

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 30 (2063).
11
ФЕВРАЛЬ
ЯҚШАНБА
1962 ЙИЛ
БАҲОСИ
2 ТИЙИН

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

барча сайловчиларга — ишчиларга, колхозчиларга, совет интеллигенциясига, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчиларига

МУРОЖАТИ

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқининг граждандари!

1962 йил 18 мартда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига сайлов бўлади. Бу — совет жамиятининг ҳаётида муҳим сиёсий воқеа, Ватанимиз меҳнаткашларининг катта ва қувончли байрамидир.

СССР Олий Совети сайловларига тайёргарлик КПСС XXII съездининг тарихий қарорлари, бу съезд қабул қилган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси — мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программаси туфайли совет халқининг меҳнат ғайрати ва ижодий ташаббуси мисли кўрилмаган даражада юксалган бир вазиятда ўтмоқда.

Коммунистик партия СССР Олий Советига илгари бўлиб ўтган сайлов кунларида қўйилган вазифаларнинг бажарилганлиги тўғрисида совет халқини хабардор қилишни, келгусига мўлжалланган планлар тўғрисида сўзлаб беришни зарур деб ҳисоблайди. Бу планлар партия XXII съездининг қарорлари билан, КПСС янги Программаси билан тўла-тўқис белгиланган.

Бутун улус халқимиз XXII съездининг қарорларини, партиянинг янги Программасини ўзининг жонажон ва энг яқин иши деб қабул қилди. Совет кишилари партиянинг сиёсатига чексиз ишончи ва бу сиёсатни астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Совет жамияти бирлиги ва жипслигининг мустаҳкам кучи, СССРдаги барча халқларнинг марксизм-ленинизм ўлмас идеяларига, коммунизм идеяларига фидокорона садоқати бутун дунёга яна намоян бўлди.

СССР Олий Советига сайлов ўтказилгандан буён тўрт йил ўтди. Бу — совет халқининг етти йиллик планни бажариш учун зўр ғайрат билан олиб борган кураш даври, саноят, қишлоқ ҳўжалиги, фан ва маданиятнинг қудратли юксалиш даври, Совет давлатининг тобора ривожланиш ва умумхалқ социалистик демократиясининг гуллаб-яшнаш даври бўлди. Партия мамлакатини КПСС XX съезди ишлаб чиққан ленинча йўлдан қатъият ва изчиллик билан олиб борди. Шахса сийинишнинг зарари оқибатларини қатъиян бартараф қилиб, партияга қарши фитначилар группасини йўлдан улоқтириб ташлаб, партия ҳўжалик ва маданий қурилишда, ижтимоий ҳаётнинг кўп соҳаларида бир қанча йирик, чинакам революцион тадбирларни амалга оширди.

Давлат ҳокимиятининг олий органига янги сайловлар арафасида партия етти йиллик план топшириқлари муваффақият билан бажарилаётганлигини зўр мамунлиқ билан қайд қилади. Экономиканинг асосий ва ҳал қилувчи соҳаси бўлган саноят тез суръатлар билан ривожланмоқда. Етти йилликнинг дастлабки уч йилида саноят маҳсулотининг йиллик ўртача ўсиши планда кўрсатилган 8,3 процент ўрнига 10 процентни ташкил этди.

Ўтган тўрт йил ичида қўян эритиш 37 миллион тоннадан қарийб 51 миллион тоннагача, пўлат эритиш 51 миллион тоннадан 71 миллион тоннагача, прокат ишлаб чиқариш 40 миллион тоннадан 55 миллион тоннагача кўпайди. Қўмир қазиб чиқариш 463 миллион тоннадан 510 миллион тоннагача, нефть чиқариш 98 миллион тоннадан 166 миллион тоннагача ортди. 1957 йилда СССРдаги электростанциялар 210 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарган эди, 1961 йилда эса 327 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Тўрт минг йирик саноят корхонаси қурилди ва ишга туширилди. Машиналар, станоклар, алпаратлар, приборларнинг неча минглаб энг янги хиллари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Техникани тараққий эттириш асосида меҳнат унумдорлиги тез суръатлар билан ўсди. Кейинги йилларда саноят маҳсулоти ўсишининг қарийб 70 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Партия ва ҳукумат халқ истеъмоли товарларига бўлган ва тобора ўсиб бораётган талабларни тўла-роқ қондириш чораларини кўрмоқдалар. Тўрт йил ичида газламаларнинг ҳамма турларини чиқариш 5,7 миллиард квадрат метрдан 6,7 миллиард квадрат метргача, шу жумладан жун газлама 361 миллион квадрат метрдан 455 миллион квадрат метргача кўпайди. Ўтган йили 442 миллион жуфт — ҳар бир совет кишига икки жуфтдан чарм пойфазал чиқарилди. Мамлакатимиз хом ашёсидан тўрт миллион тоннадан кўпроқ қанд-шакар ишлаб чиқарилди эди, ҳозир эса 6 миллион тоннага етди. Мотоцикллар, тикув машиналари, радиоприймниклар, телевизорлар ва бошқа товарлар сотиш кўпайди.

Бизнинг мамлакатимиз ишлаб чиқариш суръатлари жиҳатидангина эмас, балки шунингдек маҳсулотнинг кўпгина энг муҳим турларининг абсолют ортиб бориши жиҳатидан ҳам АҚШдан йил сайин тобора ўзиб кетмоқда. Совет Иттифоқи темир рудаси ва қўмир чиқариш, кокс, йиғма темир-бетон, магистрал тепловоз ва электровозлар, ёғоч тахта, жун газлама, қанд, мол ёғи ишлаб чиқариш, балиқ ови ва бошқа бир қанча маҳсулотлар ҳамда буюмлар тайёрлаш соҳасида ҳозирдаёқ АҚШдан ўзиб кетди.

Коммунистик партия СССР Олий Советига бўлиб ўтган илгариги сайловлар арафасида қишлоқ ҳўжалигини кескин суратда юксалтириш учун зўр ғайрат билан кураш олиб бораётганини айтган эди.

Партия ва ҳукумат дон, чорвачилик маҳсулотлари ва техника экинларининг кўпроқ етиштирилишини таъминлайдиган жуда муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. Қозғистон, Сибирь, Волга бўйи, Урал ва бошқа шарқий районларнинг бепоён даштларида қарийб 42 миллион гектар қўриқ ва бўз ерлар очилди. Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилганлиги совет халқининг буюк меҳнат зафаридир. Бу меҳнат зафари асрлар бўйи яшайди! Бизнинг мамлакатимизда ялпи дон ҳосили йилига 8-8,5 миллиард пудга етди. Кейинги тўрт йил ичида асосан жамоат ҳўжалигини ривожлантириш ҳисобига қорамол туғери 15 миллион, қўчқалар сони 22 миллион кўпайди. 1961 йилнинг ўзидагина қорамол туғери 6 миллион бошдан зиёд ва қўчқалар сони 7,7 миллионга ортди. Бу ўсиш урушдан кейинги йилларнинг ҳар биридидаги ўсишдан юқоридир.

Талаб тез ўсиб бораётганлиги муносабати билан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги даражаси аҳолининг эҳтиёжларини ҳали тўла таъминламаётган бўлса ҳам, ўтган йили аҳолига 1957 йилдагига нисбатан 1,7 баравар кўп сут ва сут маҳсулотлари, 1,5 баравар кўп гўшт маҳсулотлари, 1,7 баравар кўп тухум сотилди. Коммунистик партия комил ишонч билдириб айтадики, бутун партиянинг, бутун совет халқининг зўр ғайрати билан, аввало колхозчи деҳқонларнинг, совхоз ходимларининг, қишлоқ ҳўжалик мутахассисларининг фидокорона меҳнати натижасида мамлакат аҳолиси учун маҳсулотлар етиштириш 1962 йилдаёқ анча кўпайтирилади.

Коммунистик партия бундан тўрт йил муқаддам фан, адабиёт, санъат, халқ маорифини янада ривожлантириш тўғрисида, халқ оммасининг маданий савиясини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганини айтган эди.

Ҳозирги вақтда СССРда ҳар тўрт кишидан бири ўқимокда; ишчиларнинг 40 процент ва колхозчиларнинг 23 процент ўрта ва олий маълумотга эга. Бизда инженерлар Америка Қўшма Штатларидагига нисбатан уч баравар кўп тайёрланмоқда. Совет фани ва техникаси чинакам жаҳонда катта ғалабаларга эришди. Совет Иттифоқи ўтган сайловлардан бир оз илгари жаҳонда биринчи Ер сунъий йўлдошини орбитага чиқарган эди. Ўтган йили Ер планетасидан учган киши космосга биринчи бўлиб йўл очиб берди. Бу йўлни совет кишилари — коммунист Юрий Гагарин ва коммунист Герман Титов очдилар!

Партия ҳозирги кунда сайловчиларга мурожаат қилиб: совет кишилари — қаҳрамон ишчилар синфимиз, шонли колхозчи деҳқонлар, совет интеллигенцияси, ажойиб совет олимлари қилган буюк ишларни мана шундай, деб зўр ифтихор билан айтмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда қилинётган ишларнинг ҳаммаси — азим дарёларнинг бўйсундирилиши ҳам, қақраб ётган даштларга сув чиқарилиши ҳам, жуда катта заводлар ва электростанциялар қурилиши ҳам, космос йўлларининг ўзлаштирилиши ҳам, — бу ишларнинг ҳаммаси халқ учун, инсон учун, инсон бахт-саводини учун қилинмоқда.

Коммунистик партия халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишни доимо ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблаб келди ва ҳисобламакда. Тўрт йил ичида СССРнинг миллий даромади 38 процент ортди, ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг реал даромадлари кўпайди.

Бизнинг мамлакатимизда кейинги йилларда партия ва ҳукумат томонидан амалга оширилган социал тадбирларнинг самараларидан амалда қаҳрамон бўлмаган бирорта ҳам оила йўқ. Кам ҳақ оладиган ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг оширилганлиги, пенсияларнинг кўпайтирилганлиги, 1960 йилдан бошлаб солиқларнинг аста-секин бекор қилинётганлиги миллионларча оилаларнинг бюджетига анча катта таъсир кўрсатди. Пенсиялар оширилганидан кейин давлатнинг шу мақсадда қилаётган харажатлари 3 миллиард сўмдан 7,6 миллиард сўмгача кўпайди. Солиқларни бекор қилишнинг биринчи босқичида меҳнаткашлар қўшимча равишда йилига 360 миллион сўм даромад олдилар, солиқларни бекор қилишнинг иккинчи йилида эса яна 400 миллион сўм даромад олади.

Барча ишчилар ва хизматчилар етти соатлик ва олти соатлик иш кунига ўтказилганига бир йилдан кўпроқ вақт бўлди. Бунинг натижасида иш ҳафтаси олти ярим соатга камайди, иш ҳақи камайиши у ёқда турсин, балки айни вақтда ишчи ва хизматчилар талэйгина қисмининг иш ҳақи ортди.

Меҳнаткашлар жамоат фондларидан тобора кўп моддий неъматлар олмақдалар. 1957 йилда аҳолига жамоат фондларидан тўловлар ва имтиёзлар 20,2 миллиард сўмни, ўтган йили 26,4 миллиард сўмни ташкил этди. Пенсияларнинг давлат таъминлаб турилиб; 4 миллионга яқин студентлар ва ўқувчилар стипендия олмақдалар ва улар ётоқхоналар билан таъминланмоқдалар; 7 миллиондан кўпроқ меҳнаткашлар ва уларнинг болалари ҳар йили социал страхование ва колхоз маблаглари ҳисобига санаторийларда, дам олиш уйларида, пионер лагерларида дам олмақдалар ва даволанмоқдалар; қарийб 7 миллион она нафақа олмақда.

Партия уй-жой қурилишига жуда катта эътибор бериб келди ва эътибор бермоқда. Биз жуда кўп уй-жой бинолари қурмоқдамиз: мамлакатимизда ҳар минг киши ҳисобига АҚШ ва Франциядагидан икки баравар кўпроқ ва Англия ҳамда Италиядагига нисбатан икки баравардан зиёд кўпроқ квартиралар қурилмоқда. Кейинги беш йил ичида 50 миллион совет кишиси, яъни Совет Иттифоқида яшовчи бутун аҳолининг қарийб тўртдан бир қисми янги уй-жойларга кўчиб, шоду хуррам бўлдилар. Партия ва ҳукумат яқин ўн йил ичида мамлакатда уй-жой етишмовчилиги ғам барҳам бериш учун жиддий чоралар қурмоқдалар.

Қадрли ўртоқлар!

Биз, совет кишилари инсоният тарихида биринчи бўлиб коммунизмга йўл очибдек буюк шарафга муяссар бўлдик. «Коммунизм, — дейилади партия Программасида, — ишлаб чиқариш воситалари бир бутун умумхалқ мулки бўлган, жамиятнинг барча аъзолари социал жиҳатдан батамом тенг бўлган синфсиз ижтимоий тузум бўлиб, бу тузумда одамларнинг ҳар томонлама камолотга етиб бориши билан бирга доимо тараққий қила боровчи фан ва техника асосида ишлаб чиқариш кучлари ҳам ўсиб боради, ижтимоий бойликнинг барча манбалари тўлиб-тошиб туради ва «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган буюк принцип амалга ошади».

Ер юзиде энг адолатли ва энг бахтиёр шундай жамиятни барпо қилмоқ учун аввало, унинг моддий-техника базасини яратмоқ керак. Партия мамлакатимиз икки ўн йиллик мобайнида коммунизмнинг қудратли экономикасини вужудга келтирмоқ учун эришувчи лозим бўлган ижтимоий ишлаб чиқариш даражасини илмий асосда белгилаб берди: саноят маҳсулоти ҳажми камиде олти баравар, қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти эса уч ярим баравар ортиши керак.

Биз бунга албатта эришамиз! Бизда зарур шарт-шароитларнинг ҳаммаси — энг илғор ижтимоий тузум, жамиятимизнинг маънавий ва сиёсий бирлиги, битмас-туганмас табиий бойликлар, биринчи даражада саноят ва механикалаштирилган йирик қишлоқ ҳўжалиги ва тамомиле халқ манфаатларига хизмат қилаётган илғор фан мавжуддир.

Шунинг учун ҳам Коммунистик партия совет халқига қатъият ва ишонч билан бундай дейди:

— Совет Иттифоқи яқин ўн йилликдаёқ аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан капитализмнинг энг кучли ва бой мамлакати бўлган АҚШдан ўзиб кетади; халқнинг фаровонлиги даражаси анча кўтарилади; барча колхоз ва совхозлар юқори унумли ва юқори даромадли ҳўжаликларга айланади; совет кишиларининг обод уй-жойларга эҳтиёжи асосан таъминланади; СССР иш кунини дунёда энг қисқа мамлакат бўлиб қолади; — иккинчи ўн йиллик якунида коммунизмнинг

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига ОЧИК ХАТ

Биз, КПСС Марказий Комитетининг қўйида қўл қўйган аъзоларидан ҳар биримиз бир қанча сайлов округлари бўйича СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганимиз ҳақида турли жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар жамиятларидан, корхоналар, колхоз, совхоз ва муассасалар коллективларидан, шунингдек сайловчиларнинг сайлов олди кенгашларидан алоҳида-алоҳида хат ва телеграммалар олдим. Бу хат ва телеграммаларда ана шу округлардан овозга қўйилишга розилик беришимиз сўралган.

Биз СССР Олий Совети депутатлигига номзодимизни кўрсатган корхона, колхоз, совхозлар, муассасалар, жамоат ташкилотлари коллективларига ва барча сайловчиларга мамлакатимизда коммунизм қурилишининг улуғвор программасини амалга ошириш йўлидаги умумхалқ курашига етакчилик қилаётган ленинчи партия аъзолари сифатида бизга кўрсатган юксак иззат-ҳурмат ва ишончлари учун чин қўнғилдан ташаккур изҳор қиламиз.

Ҳар биримиз фақат бир сайлов округидан овозга қўйилиши мумкин бўлганини сабабли, биз кўрсатма беришни сўраб, КПСС Марказий Комитети мурожаат қилдик. КПСС Марказий Комитети бизга қўйидаги сайлов округларида овозга қўйилиш учун розилик беришни тавсия этди:

Брежнев Л. И. — Иттифоқ Советига, Москва шаҳри, Бауман сайлов округи,

Воронов Г. И. — Иттифоқ Советига, Оренбург шаҳри, Оренбург шаҳар сайлов округи,

Козлов Ф. Р. — Иттифоқ Советига, Ленинград шаҳри, Киров сайлов округи,

Косигин А. Н. — Миллатлар Советига, РСФСР, Иваново сайлов округи,

Куусинен О. В. — Миллатлар Советига, Барелия АССР, Онега сайлов округи,

Микоян А. И. — Миллатлар Советига, Арманистон ССР, Ереван-Ленин сайлов округи,

Подгорний Н. В. — Иттифоқ Советига, Киев шаҳри, Киев-Ленин сайлов округи,

Полянский Д. С. — Иттифоқ Советига, Краснодар шаҳри, Краснодар шаҳар сайлов округи,

Суслов М. А. — Иттифоқ Советига, Саратов шаҳри, Ленин сайлов округи,

моддий-техника базаси яратилиб, у бутун халқни моддий ва маданий неъматлар билан мўл-кўл таъминлайди; совет жамияти эҳтиёжига яраша тақсимлаш принципини амалга оширишгача бориб етади, аста-секин бир бутун умумхалқ мулкига ўтилади; СССРда коммунистик жамият асосан қурилади;

— аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар йиғирма йил мобайнида уч ярим баравардан зиёдроқ кўпаяди; биринчи ўн йиллик охирига келиб, мамлакатда кам иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчилар бўлмайди; жамоат фондлари ўн баравардан зиёд ортади;

— бизнинг Ватанимиз аҳолининг турмуш даражаси энг юксак ва маданияти энг юқори мамлакат бўлиб қолади.

Яқин тўрт йил — коммунизм қуриш соҳасидаги буюк ишларнинг муҳим босқичидир. Совет халқи етти йиллик планни тўла бажариб бўлади. 1965 йилда саноят ишлаб чиқариши 1961 йилдагига нисбатан камиде 40 процент ўсади. Саноят маҳсулотининг энг муҳим турлари ва халқ истеъмоли қиладиган турли товарлар контроль рақамларда 1965 йилга мўлжалланганидан кўпроқ ишлаб чиқарилади. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби тўла қондирилади.

Етти йиллик планни бажарибгина қолмай, балки ошириб ҳам бажарамиз деб ҳозирданоқ комил ишонч билан айтиш мумкин.

Коммунизмнинг муҳташам биноси совет халқининг — ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, интеллигенциянинг зўр ғайрат билан қиладиган меҳнати натижасида барпо қилинади. Уларнинг меҳнати нечоғли унумли бўлса, орзу қилинган мақсадга шў қадар тез эришилади! «Коммунизм, — деб айтди Н. С. Хрушчев XXII съезде, — миллионларнинг меҳнати, меҳнати ва фақат меҳнати билангина қуриш мумкин».

Партия қаҳрамон ишчилар синфига, инженерларга, техникларга, конструкторларга, саноятнинг ҳамма ходимларига мурожаат қилиб, уларни техникани янада тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва буюмлар сифатини яхшилаш учун, капитал маблағлардан энг рационал равишда фойдаланиш учун ҳормай-толмай курашишга чақиради. Умумхалқ социалистик мусобақасини тағин ҳам кенг авж олдиригиз, фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга тағин ҳам қатъият билан жорий қилингиз, резервлардан тўлароқ фойдаланингиз, ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш планларини ва социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажаришга эришингиз!

(Давоми иккинчи бетда)

Хрушчев Н. С. — Иттифоқ Советига, Москва шаҳри, Калинин сайлов округи,

Шверник Н. М. — Миллатлар Советига, РСФСР, Москва шаҳар сайлов округи,

Гришин В. В. — Иттифоқ Советига, Москва области, Орехово-Зуево сайлов округи,

Рашидов Ш. Р. — Иттифоқ Советига, Тошкент шаҳри, Тошкент-Ленин сайлов округи,

Мауоров Н. Т. — Иттифоқ Советига, Минск шаҳри, Минск шаҳар-биринчи сайлов округи,

Мжаванадзе В. П. — Иттифоқ Советига, Тбилиси шаҳри, Тбилиси-Первомайский сайлов округи,

Шчербицкий В. В. — Иттифоқ Советига, Луганск области, Красный Луч сайлов округи,

Демичев П. Н. — Иттифоқ Советига, Москва шаҳри, Дзержинский сайлов округи,

Ильичев Л. Ф. — Иттифоқ Советига, Олмаота шаҳри, Олмаота-Ленин сайлов округи,

Пономарев Б. Н. — Миллатлар Советига, Грузия ССР, Сухуми шаҳар сайлов округи,

Спиридонов И. В. — Иттифоқ Советига, Ленинград шаҳри, Смольный сайлов округи,

Шелепин А. Н. — Миллатлар Советига, Ўзбекистон ССР, Тошкент-Октябрь сайлов округи.

Биз, КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларини бажариш учун қабул қилдик.

Тегишли округ сайлов комиссияларида бу аризамизни депутатликка номзодларни рўйхатга олиш вақтида ҳужжат деб қарашни сўраймиз.

БРЕЖНЕВ Л. И.
ВОРОНОВ Г. И.
КОЗЛОВ Ф. Р.
КОСИГИН А. Н.
КУУСИНЕН О. В.
МИКОЯН А. И.
ПОДГОРНИЙ Н. В.
ПОЛЯНСКИЙ Д. С.
СУСЛОВ М. А.

ХРУШЧЕВ Н. С.
ШВЕРНИК Н. М.
ГРИШИН В. В.
РАШИДОВ Ш. Р.
МЖАВАНАДЗЕ В. П.
ШЧЕРБИЦКИЙ В. В.
ДЕМИЧЕВ П. Н.
ИЛЬИЧЕВ Л. Ф.
ПОНОМАРЕВ Б. Н.
СПИРИДОНОВ И. В.
ШЕЛЕПИН А. Н.

1962 йил 8 февраль.

